

## **“Расмий статистика тўғрисида”ги ЎРҚ-707-сон Қонуни мазмун-моҳияти ва аҳамияти**

### **I. Қонуннинг мақсади.**

Расмий статистика соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### **II. Қонуннинг мазмуни ва моҳияти.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- расмий статистика соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;
- расмий статистикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди;

Давлат статистика қўмитаси соҳада ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахслар (шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари) расмий статистикадан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.

Қонунга қўра, кўп йиллик статистика дастури умуман миллий статистика тизими учун ишлаб чиқилади ва расмий статистиканинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилайди.

Бир йиллик статистика дастури кўп йиллик статистика дастурини бажариш мақсадида ишлаб чиқилади.

Кўп йиллик статистика дастурлари Президент томонидан, бир йиллик статистика дастурлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Расмий статистикани тайёрлаш учун йигиладиган, ишлов бериладиган ва сақланадиган статистика маълумотлари, агар улар жисмоний ёки юридик шахсларни бевосита ёки билвосита идентификациялаш имконини берса ҳамда уларга тааллуқли индивидуал маълумотларни ошкор қиласа, махфий ҳисобланади.

Илмий-тадқиқот мақсадлари учун тақдим этиладиган махфий статистика маълумотлари таркибида идентификаторлар бўлиши мумкин эмас.

Расмий статистика мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек жамоатчиликни

хабардор қилиш, расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун эълон қилинади.

Расмий статистикани тайёрловчилар индивидуал маълумотларни, умумлаштирилган махфий кўрсаткичларни ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик учун барча тартибга соловчи, маъмурий, техник ва ташкилий тусдаги чораларни таъминлайди.

Расмий статистикани тайёрловчилар расмий статистиканинг сифатини доимий асосда баҳолаб боради. Сифат кафолатини таъминлаш учун расмий статистика расмий статистиканинг қамрови, тушунчалари, статистик бирликлари ва таснифларига тааллуқли умумий принциплар ҳамда усуллар асосида тайёрланади ва тарқатилади.

Қонун расмий эълон қилинган қундан эътиборан кучга киради.